

ЁШЛАРНИНГ ДЕСТРУКТИВ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИГА ТУШИШИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10057838>

Юлдашев Олим Шералиевич

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари

Академияси ўқитувчиси

E-mail:yuldashev@inbox.ru

Аннотация

Уибу мақола, ёшларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушишининг олдини олишининг педагогик-психологик имкониятлари ва таълим беришда учраётган камчиликлар ва уларнинг бартариф этиши чоралари бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар

гоя, психология, касбий, эксперт, фаолият, муассаса, соҳа, интеграция, маърифат, конституция.

ПЕДАГОГИЧЕСКИ-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ МОЛОДЕЖИ ОТ ВЛИЯНИЯ ДЕСТРУКТИВНЫХ ИДЕЙ

Аннотация

В данной статье представлены педагогические и психологические возможности предотвращения воздействия на молодежь деструктивных идей и рекомендации по недостаткам в воспитании и меры по их устранению.

Ключевые слова

идея, психология, профессионал, эксперт, деятельность, учреждение, поле, интеграция, просвещение, конституция.

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL OPPORTUNITIES FOR PREVENTING YOUTH FROM THE INFLUENCE OF DESTRUCTIVE IDEAS

Abstract

This article presents pedagogical and psychological opportunities to prevent the impact of destructive ideas on young people and recommendations for shortcomings in education and measures to eliminate them.

Keywords

idea, psychology, professional, expert, activity, institution, field, integration, enlightenment, constitution.

Инсоннинг шахс бўлиб шакланиши, унинг дунёқарашининг таркиб топишининг асосий қисми таълим олиш даврига тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, мазкур жараёнда педагог-ўқитувчиларнинг аҳамияти катта. Шуни ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, болага таълим билан биргалиқда тарбия бериш жараёни ўқитувчидан алоҳида малака, қўникма ва тажрибани талаб этади. Мутахассислар фикрича, педагогика қасб-хунар коллежларини тамомлаётган мутахассислар умумий ўрта таълим ёшидаги ўқувчиларга зарурӣ билим, қўникмаларни бериш имкониятига эга эмас.

Экспертлар баҳосига қўра, таълим тизимида ишлаётган педагогларнинг ойлик иш ҳақининг камлиги, ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеининг пасайиб кетаётгани сабабли соҳадаги аксарият олий ўқув юртларини тугатаётган ёш кадрларда ҳам ўқитувчилик қасбига нисбатан қизиқишининг камайишига сабаб бўлмоқда.

1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимида бартараф этилиши зарур бўлган камчиликлардан бири сифатида ўқитувчи ижтимоий мавқеининг пастлиги кўрсатиб ўтилган. Бугунги кунда келиб мазкур дастурда тилга олинган камчиликларнинг деярли барчаси бартараф этилган бўлишига қарамасдан, айнан ўқитувчи шахси ижтимоий мақомининг пастлигича қолаётгани, уларнинг педагогик қасбига қизиқишининг пасайиб борётгани кузатилмоқда.

Бунга асосий сабаб сифатида, жойларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан ўқитувчи ва мураббийларни ўз профессионал вазифаларига мансуб бўлмаган ишларга жалб этилаётганини келтириш мумкин. Хусусан, қишлоқ хўжалик, тозалаш ишлари, металлолом, макулатура йиғиши ва шу кабилар. Шуни таъкидлаш керакки, асосий вазифаси болаларга таълимтарбия бериш бўлган ўқитувчиларнинг бундай ишларга жалб этилиши уларни таълим жараёнидан чалғитмоқда ва бу ўз навбатида, таълим сифатига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Маълумки, ўқувчи ва талabalарнинг сифатли билим олиши нафақат унинг жисмоний, интеллектуал, балки психолигик ҳолати билан ҳам боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, бу жараёнда энг катта масъулият психолог

ходимлар зиммаси тұғри келади. Таълим даргоҳидаги руҳий вазиятни назорат қилиб бориш, ҳар бир үқувчи ва талаба билан унда юз берәёттан руҳий үзгаришлар юзасидан индивидуал ишлаш, шунингдек, болани янги муваффақиятлар сари рағбатлантириш, үқувчиларда муайян касбга бўлган қизиқишини аниқлаш ва йўналтириш, уларни деструктив ғоялар таъсиридан асрар психологларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шундай бўлишига қарамай, бугунги кунда мамлакатдаги үқув муассасаларида психолог мутахассислари билан боғлиқ муаммолар кўзга ташланмоқда. Аксарият таълим муассасаларида психолог штатига совуқконлик билан қараш ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Хусусан,

2016-2017 үқув йили ҳолатига умумтаълим мактабларининг 9664 тасида

1 ва 0,5 ставкада амалиётчи-психолог штат бирлиги ажратилган. Таъкидлаш керакки, мамлакатдаги 93 та умумтаълим мактабларида бундай лавозим умуман ташкил этилмаган бўлиб, 112 та мактабда бу лавозим вакант сифатида қолмоқда. Умумтаълим мактабларида ишлаётган жами 9552 нафар амалиётчи психологларнинг 382 нафари ўрта маҳсус маълумотли кадрлар ташкил этади. Таъкидлаш ўринлики, мамлакатдаги аксарият умумтаълим мактабларида психолог лавозимини номутахассис фан үқитувчилари параллел равиша олиб бормоқдалар ёки бу вазифани касб-хунар коллежи битирувчилари бажармоқда. Ваҳоланки, мактаб психологларининг иш ҳажми катта ва ўзига хос касбий тайёргарликни талаб этгани ҳолда, номутахассис фан үқитувчиси ёки ўрта маҳсус маълумотли кадрлар бу вазифани етарли даражада бажаришининг имкони мавжуд эмас.

Бундан ташқари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларда таҳсил олуви ёшларда диний билимлар етарли даражада шакллантирилмай қолмоқда. Хусусан таълим даргоҳларида диний билимларга эга бўлган кадрларнинг етишмаслиги сабабли ушбу фанлардан дарс ўтиш номутахассис бўлган педагогларга юклатилмоқда. Бунинг натижасида ёшлар орасида диний саводсизлик, динни нотўғри талқин қилиш ва турли деструктив ғоялар таъсирига тушиш ҳолатлари учраб турмоқда. Шу билан бирга ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида ҳамда комил инсон бўлиб тарбияланишларида асосий фанлардан бири бўлган ва "миллий ғоя" фани ўтилишида ҳам ушбу камчиликлар учраб турмоқда. Бунинг натижасида номутахассис бўлган педагоглар үқувчиларнинг ёш хусусиятларини инбатга олмай, ҳамда гоявий бўшликларини тўлдира олмай қолмоқдалар. Бу эса ёшларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушиб қолишида асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Соҳа вакилларининг таъкидлашича, миллий ғоя туркумига кирувчи дарсликлар яратилишида ўқувчининг ёш хусусияти эътиборга олинмаган. Ўқувчилар дарсликларни ўқиш давомида ўтилган мавзуларнинг моҳиятини тушуниб етмасликлари оқибатида кейинги муаммолар келиб чиқади. Бу эса ёшларимиз орасида деструктив ғояларга нисбатан иммунитетни шаклланмаслигига ва турли ёт ғояларга берилиб кетишларида асосий омиллардан бири бўлмоқда.

Ёшларни хукуқбузарликлар, заарли иллатлар, экстремистик ғоялар ва “оммавий маданият” таъсиридан ҳимоя қилиш бугунги глобализация шароитида янада муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда Республикада Маънавият ва маърифат маркази фаолият олиб бораётган бўлиб, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда унинг вазифаси сифатида дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чукур тушунтириш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес ва бошқа таҳдиidlарга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориши белгиланган.

Марказнинг асосий вазифаларидан бири бўлган ёшлар онгига деструктив ғоялар таъсирини минималлаштириш йўналишида олиб борилаётган ишларни етарли даражада деб бўлмайди. Хусусан, Вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика идоралараро комиссиясининг 2017 йил 25 июлдаги

2-сонли баённомасига асосан Марказнинг чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Мазкур режа асосида Марказ ва “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари томонидан турли ташкилотлар, таълим муассасалари ва маҳаллаларда ўtkazilgan тарғибот тадбирларида “Ёшларни ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмаслигини олдини олиш омиллари”, “Жаҳолат ва зўравонликка қарши-маърифат билан курашамиз”, “Ёшларнинг диний экстремизм ва “оммавий маданият” таъсиридан асрарнинг педагогик асослари”, “Конституция - инсон ва фуқароларнинг асосий хукуqlari, эркинликлари ва бурчларининг кафолатидир”, “Вояга етмаганлар, ёшлар ўртасида хукуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олиш масалалари”, “ёшлар ўртасидаги диний экстремизм ва СУИЦИД ҳолатларининг олдини олиш” каби мавзуларда 150 дан зиёд маъruzalар қилиниши белгиланган бўлиб ушбу тарғибот тадбирларида бор йўғи 12 мингга яқин ёшлар қамраб олинган (умумий ёшлар сонига таққослаганда ёшларнинг 0,07 фоизини қамраб олган).

Айнан гояга карши ғоя билан курашиб ишлари самарали ташкил этилган деб бўлмайди. Социологик сўров ва экспертларнинг фикрига кўра бугунги қунда деструктив гояларнинг таъсири асосан Интернет орқали бўлмоқда. Бироқ марказ томонидан 2017 йил давомида айнан ушбу соҳадаги ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаган. Марказнинг Интернет орқали ёшлар тарбияси, уларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришлар, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва уларни олдини олиш бўйича жамоатчилик муҳокамасини шакллантириш мақсадида Facebook ижтимоий тармоғида марказнинг “Ўз болангни ўзинг асра”, “Юксак маънавият”, Телеграм мобил мессенжерида эса “Болам баҳтли бўлсин десандиз” номли гурухлар ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида “Конституция – мамлакатимиз тараққиётининг пойдеворидир”, “Диний экстремизм ва терроризм инсоният душмани”, “Ноқонуний миграциянинг салбий оқибатлари” 10 дан зиёд буклет намуналари, ёшларни диний экстремизм, терроризм, Оммавий маданият сингари бузғунчи ва ёт гоялар таъсиридан сақлаш мақсадини акс эттирган

1 гб (солиштиrsак 1 дона хориж филми 1,5 гбдан кўп ҳажмни эгаллайди) ҳажмда слайд-тарғибот материаллари тайёрланди ва Марказнинг расмий manaviyat.uz веб-саҳифасига жойлаштирилди. Лекин, ушбу тарғибот ишлари олиб борилаётганидан кўпчилик ёшларнинг хабари йўқ бўлиб, бу ишлар факат статистика учун олиб борилмоқда. Хусусан, ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра бирорта ёшлар, марказни ёшлар билан ишловчи ташкилот сифатида қайд этмаган. Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ўтказилган тадбирларни таҳлил қилиш натижасида улар ёшларнинг асосан фаол қисмини ўз тадбирларига қамраб олиш ҳолатлари кўзга ташланди. Хусусан, ўтказилаётган тадбирлар асосан байрамлар арафасида ҳамда ёшлар оромгоҳлари, ҳалқ гузарларида ташкил этилмоқда лекин чекка ҳудудлардаги эътибордан четда бўлган ёшлар ушбу тадбирларга жалб қилинмай қолмоқда. Тадбирлар ташкил этишда камчиликларнинг асосий сабаблари ўрганилганда, молиявий жиҳатдан юзага келаётган қийинчиликлар сабаб бўлаётганлиги аниқланган.

Республика Маънавият ва маърифат маркази маълумотларига кўра, ҳудудий ОАВларида имло хатолари кўплаб учраётганлиги, сурат танлаш билан боғлиқ муаммолар мавжудлиги, айрим газеталарда замон билан ҳамнафаслик етишмаслиги бузғунчи гояларга қарши маънавий-маърифий соҳага оид рукнлар камлиги, газеталарда маънавиятга зид сериаллар тарғибот қилиниши билан боғлиқ камчиликлар мавжудлиги кўрсатилади.

Шунингдек, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Талабалар шаҳарчасидаги Интернет клублари ўрганилганда фойдаланувчиларнинг 70 фоизи жанговор руҳдаги Интернет ўйини билан машғуллиги, 20 фоизи хориж жангари фильмлари ва клипларини томоша қилаётганлиги, фақат 10 фоиз фойдаланувчи таълимга оид вазифаларни бажараётганлиги аниқланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Б.Абдуллаева Низомий номидаги ТДПУ. Амалий психологиянинг асосий йўналишлари модули. Т.: 2018-247с.
2. Ю. Асадов., Р. Мусурманов. Ўсмирлар девиант ҳатти-ҳаракатининг ижтимоий-психологик хусусиятлари (диагностика, профилактика, коррекция). Т.: 2011-200с.
3. Н. Толибов. Совершенствование методики развития профессиональной компетентности будущих летчиков-инженеров автореф. дис....доктора философии (PhD) по пед. наук: 13.00.05 - Теория и методика профессионального образования. Ташкент - 2021.
4. Б. Содиков., Девиант хулқ болалар психологияси. Термиз 2010 йил Т.: 2008 йил